2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 66 (1392), 2025 йил 1 апрель, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ ДЎСТЛИК ВА МУСТАҲКАМ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ РАМЗИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 31 март куни амалий ташриф билан Хўжанд шаҳрида бўлди.**





Хўжанд шаҳри аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи шарафига давлат байроқлари кўтарилди. Миллий куй-қўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дастлаб Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида икки томонлама дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион доллардан ошди. Саноат, энергетика, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Самарали ҳудудлараро алоқалар ва фаол маданий-гуманитар алмашинув йўлга қўйилган.

Ҳукуматлараро комиссиянинг бўлажак йиғилишида амалий ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни тезлаштириш чоралари ишлаб чиқилиши муҳим экани таъкидланди.

Етакчилар минтақавий кун тартиби, шу жумладан, мамлакатимизда ўтказиладиган кўп томонлама саммитлар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳузурида ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённомани имзоладилар ва ратификация ёрлиқларини алмашдилар.

Шартнома ўтган йили 18 апрель куни Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама саммитда имзоланган эди.

Ҳужжат ратификация ёрлиқлари алмашилган кундан эътиборан кучга киради.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хўжанд шаҳрида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан уч томонлама учрашувда иштирок этди.

Учрашув аввалида давлат раҳбарлари бир-бирларини муборак Рамазон ҳайити ҳамда баҳор, уйғониш ва янгиланиш айёми — Наврўз билан қутладилар, биродар халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Президентимиз Тожикистон ва Қирғизистон томонларини барча масалалар узил-кесил ҳал этилгани ҳамда Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзолангани билан самимий табриклади.

Ушбу ҳужжат, шунингдек, уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисида имзоланаётган шартнома барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга, бутун минтақанинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилиши таъкидланди. Тантанали равишда очиладиган Дўстлик стеласи эса қардош мамлакатлар ўртасида мустаҳкамланиб бораётган яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янги рамзига айланиши қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Энг аввало, бу олий даражадаги фаол ва ишончли алоқаларни давом эттиришдир.

Шу ҳафта Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва минтақадаги умумий экологик таҳдидларга бағишланган Иқлим форуми бўлиб ўтади.

Май ойида Кўрфаз араб давлатлари билан саммит, сентябрь ойида эса Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви ўтказилади.

Шу муносабат билан бўлажак тадбирлар кун тартибини пухта тайёрлаш ва умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун ташқи ишлар вазирликлари орқали мунтазам маслаҳатлашувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Чегарадош ҳудудларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Қирғизистон ва Тожикистон билан товар айирбошлаш ҳажми ўн каррадан зиёдга ошгани қайд этилди. Бу ҳажмнинг деярли ярми чегараолди ҳудудларга тўғри келади.

Шу боис, чегаралардаги божхона пунктларини комплекс модернизация қилиш ва кенгайтириш, қулай, замонавий савдо ва логистика инфратузилмасини шакллантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Уч томонлама савдо майдончасини ташкил этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг доимий фаолият кўрсатадиган кўргазма-ярмаркасини йўлга қўйиш масаласини ўрганиш таклиф этилди.

Яна бир йўналиш — саноат кооперацияси лойиҳалари.

Бугунги кунда Ўзбекистон корхоналари ва хусусий компаниялари қўшни мамлакатларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга фаол сармоя киритмоқда.

Кооперацияни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимиз раҳбари қўшма инвестиция жамғармалари капиталини босқичма-босқич оширишга тайёрлигини билдирди.

Мамлакатлар ўртасида транспорт алоқаларини ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Бу авиақатновлар сонини кўпайтириш ва географиясини кенгайтириш, чегараолди ҳудудлардаги шаҳарлар ўртасида янги автобус йўналишларини йўлга қўйишни ўз ичига олади.

“Яшил” энергетика ва транспорт соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳалар, сув ва экология дастурларини илгари суриш диққат марказида бўлди.

Ўзбекистон Президенти ҳукуматлар иқтисодий йўналишда янада фаол ишлаб, халқларимиз фаровонлигини оширишга қаратилган тезкор, реал натижалар бериши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шу кунларда Хўжанд шаҳрида қатор маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилаётгани халқларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар йили Наврўз байрами кунларида чегараолди ҳудудларда қўшма концерт ва дўстлик фестивалларини ўтказишни таклиф этиб, келгуси йилда бундай тадбирларни Фарғона шаҳрида ташкил этишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув якунида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда уч давлат раҳбарларининг Қўшма декларацияси қабул қилинди.

Хўжанд шаҳрида ўтган олий даражадаги тадбирлар дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласини тантанали равишда очдилар.

Уч мамлакат Бош вазирлари ўринбосарлари видеоалоқа орқали давлат раҳбарларига қурилиш ишлари якунлангани ва объект тайёрлиги тўғрисида ахборот берди.

Ушбу ёдгорлик қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг янги рамзи бўлади.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида чегара масалаларининг ҳал этилиши — ҳурмат, суверенитет, тенглик ва ўзаро манфаат тамойилларига асосланган кўп йиллик машаққатли меҳнат, самимий мулоқот ва ҳамкорлик самарасидир. У учта мамлакат халқлари ўртасидаги ишонч ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилган ҳолда, ҳар томонлама шерикликни ривожлантириш учун мутлақо янги истиқболларни очади.

*Давоми 2-бетда*

## ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ФАОЛ МУЛОҚОТЛАР ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған 30 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ҳайити муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар. Давлат раҳбарлари қардош халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.**

Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони, тўғридан тўғри авиақатновлар кўпаймоқда.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг бўлажак навбатдаги йиғилиши ва Туркий давлатлар ташкилотининг режадаги саммитига тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда бўлажак Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва қўшма бизнес форумини, шунингдек, Туркия Буюк миллат мажлиси делегациясининг Парламентлараро иттифоқ Ассамблеясининг 150-сессиясида иштирок этиш учун ташрифини самарали ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**ЎзА**

## ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚА АҲАМИЯТИГА МОЛИК ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф 30 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бутун мусулмон уммати учун муқаддас бўлган Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан бир-бирларини самимий қутладилар. Дўст Ўзбекистон ва Покистон халқларига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилаклари изҳор этилди.**

Жорий йил февраль ойида Покистон Бош вазирининг Ўзбекистонга тарихий ташрифи давомида эришилган келишувларни “йўл харитаси”га мувофиқ амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Вазирликлар, идоралар ва тармоқлар даражасидаги мулоқотлар фаоллашгани ва алмашинувлар самарали тус олгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Март ойида Исломобод шаҳрида Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмаси муваффақиятли ўтказилди. Апрель ойидан Лаҳорга қўшимча авиарейслар йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Қўшма лойиҳаларнинг ижросини кўриб чиқиш ва уларни жадаллаштириш чораларини кўриш учун Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилишини жорий йилда ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари минтақа кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

**ЎзА**




## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАННУМИ

**2025 йил 31 март. Бу сана Марказий Осиё бирдамлиги, халқларимиз ҳамжиҳатлиги ва абадий дўстлигимиз улуғланган кун сифатида умумий тарихимиз саҳифасига олтин ҳарфлар билан ёзилажак.**

*Давоми 2-бетда*

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧЛИ ДЎСТЛИК ВА МУСТАҲКАМ ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ РАМЗИ

Бошланиши 1-бетда

Айни дамда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу жараёнда бутун минтақанинг бирлашуви катта роль ўйнади, бу эса моҳиятан, юзага келаётган муаммоларни фақат муроса ва бир-бирининг манфаатларини ўзаро ҳурмат қилиш руҳида тартибга солиш учун асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фаол ташқи сиёсати минтақани яқинлаштириш жараёнларига муҳим ҳисса қўшди. Президент мамлакат раҳбари лавозимига киришган дастлабки кунларданоқ, Марказий Осиё минтақасини Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим устувор йўналиши сифатида белгилаб берган.

Яхши қўшничилик ва ишончни мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни тартибга солиш, умумминтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро майдонда фаол ҳамкорлик қилиш минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаларига айланди.

Хўжанд шаҳрида ўтган уч томонлама саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Бўлиб ўтган уч томонлама музокаралар якунлари, уларнинг асосий натижаси сифатида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзолангани юксак баҳоланди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишдаги ютуқлар мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 70 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида, шу жумладан, қўшма Инвестиция жамғармаси кўмагида саноат кооперацияси муваффақиятли ривожланмоқда.

Энергетика ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги йирик минтақавий лойиҳаларни, шу жумладан, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини жадаллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари ҳудудлар ўртасидаги фаол алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш муҳимлигини қайд этдилар.

Президентлар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси ва кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Хўжанд шаҳридаги саммитнинг маданий дастури доирасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари Хўжанд қалъасига ташриф буюриб, унинг тарихи билан танишдилар.

Бу ноёб мажмуанинг қурилиши милоддан аввалги IV-V асрларга бориб тақалади. Археологик қазишмалар натижасида ўша даврда биринчи қалъа бунёд этилганлиги аниқланган.

1999 йилда қайта таъмирлаш ишларидан сўнг қалъа ёнида 28 мингдан ортиқ экспонатни ўз ичига олган ўлкашунослик музейи очилди.

Сўнгги реставрация ишлари жараёнида қалъа деворлари, арки ва дарвозалари қайта тикланди, маъмурий бино, ҳунармандчилик дўконлари қурилди, Хўжанднинг қадимий ҳовлилари намуналари яратилди.

Ҳудудда тожик халқи тарихи ва маданиятига оид 5 та кўргазма залидан иборат мажмуа барпо этилди. 8 та ҳовлида ҳунармандлар хаттотлик, рассомчилик, адрас тўқиш, сўзана тикиш, тош ўймакорлиги, темирчилик ва кулолчилик билан шуғулланмоқда.

Давлат раҳбарлари уч мамлакатнинг ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва миллий таомлари кўргазмасини кўздан кечириб, бадиий чиқишларни томоша қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров уч мамлакат маданият ва санъат усталарининг концертида қатнашдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида биродар халқларни баҳорий янгиланиш байрами Наврўз ва муборак Рамазон ҳайити билан чин дилдан қутлади.

— Бугун халқларимиз учун ҳақиқатан ҳам катта ва узоқ кутилган байрам. Биз уч давлат чегараларининг туташ нуқтаси ҳақидаги тарихий шартномани имзоладик. Бундан буён чегаралар — биродарлик чизиқлари, янги имкониятлар, бунёдкорлик ва ҳамкорлик маконидир, — деди Президент.

Халқларимизнинг муқаддас тупроғи, дини, тақдири бир, ташвишу қувончлари, интилишлари ўхшаш экани таъкидланди. Энди бу гўзал заминни бугунги ва келажак авлодлар муносиб ва бахтли яшаши учун биргаликда обод қилиш бизнинг бурчимиздир.

Кейинги йилларда умумий сиёсий ирода туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда улкан ижобий ўзгаришлар юз берди.

Куни кеча Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида шартнома кучга кирди. Яқин кунларда Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида ҳам шундай ҳужжат имзоланади.

Савдо, инвестициялар, юк ташиш, фуқароларнинг борди-келдиси изчил кўпайиб бормоқда. Муваффақиятли кооперация лойиҳалари сони ошмоқда.

Маданий тадбирлар, ижодий фестиваллар, ёшлар форумлари, спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Санъат чегара билмайди, унинг буюк вазифаси одамларни бирлаштириш. Уч мамлакатнинг истеъдодли санъат усталари ижросидаги бугунги концерт ҳам маданиятларимизнинг бойлиги, ранг-баранглиги ва муштараклигини яна бир бор намойиш этди, — деди сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Тожикистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

Аэропортда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон кузатиб қўйди.

**ЎзА**

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ТИНЧЛИК ТАРАННУМИ



Бошланиши 1-бетда

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Хўжанд шаҳрида бўлди. Бу ерда давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан уч томонлама учрашувда иштирок этди.

Учрашув якунида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда уч давлат раҳбарларининг Қўшма декларацияси қабул қилинди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ҳақидаги баённома имзоланди.

Хўжанд шаҳрида ўтган олий даражадаги тадбирлар доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев, Эмомали Раҳмон ва Садир Жапаров уч мамлакат давлат чегаралари туташган ҳудудда Дўстлик стеласини тантанали равишда очдилар.

Ушбу ёдгорлик қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг янги рамзи бўлади.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг Хўжанддаги тарихий учрашувига ҳамоҳанг тарзда 31 март куни мамлакатимиз бўйлаб миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва дўстлик байрами бўлиб ўтмоқда.

Барча вилоятларда, туман ва шаҳарлар, маҳаллаларда бўлиб ўтаётган бу байрам шукуҳи минтақавий бирдамлигимиз руҳи, Марказий Осиё халқлари ҳамжиҳатлиги, оғизбирчилиги тараннуми сифатида нишонланмоқда.

Наврўз фалсафаси, муборак Рамазон ҳайити ҳикмати, Марказий Осиёдаги абадий дўстлик тантанаси билан уйғунлашиб кетган бу байрамда нафақат юртдошларимиз, балки қўшни давлатлардан келган азалий қардош халқлар ҳам иштирок этаётгани эътиборлидир.

— Икки миллатнинг дўстлик, яқин қардошлик алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади, — дейди Тожик миллий маданият маркази Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Рамазон Абдуллаев. — Бу дўстликка Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳазратлари ўз даврида янгича асос солган. Бизнинг давримизга келиб, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг давлат раҳбарлари янги қиёфада ривожлантирмоқда. Тожикистон халқ артисти Боқи Раимзода ўзбек ва тожик миллати ҳақида сўз юритиб, бошқа халқларни ажратиш осон, лекин биз шу даражада яқинлашиб кетганмизки, кўрган киши “Эй дўст, сен ўзбекми ё тожикми?” деган саволни беради, дея икки халқнинг дўстлиги ва яқин қардошлигини нозик ташбеҳларда куйлаган. Халқимиз қадимдаги ўзаро қардошлик алоқаларимиз янги қиёфада қайта бўй кўрсатганидан мамнунлигини ҳам ҳар йил баҳор айёмида кенг тараннум этишга одатланди.

— Бугунги кунда ушбу чегарадош ҳудудда 3059 нафар аҳоли яшайди, — дейди Қувасой шаҳридаги “Пастки Валик” МФЙ раиси А.Шоюнусов. — Таъкидлаш жоизки, маҳалламизда мунтазам равишда миллатлараро дўстликни тарғиб этувчи маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб, аҳоли ўртасида ватанпарварлик, элу юртга садоқат каби фазилатлар кенг тарғиб этилмоқда.

— Менинг миллатим қирғиз, — дейди Андижон вилояти Хўжаобод туманининг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош Қорабулоқ маҳалласида яшовчи Айнаш Тўхтаева. — Боқувчимиз йўқ, ногиронман, икки нафар фарзандим билан яшайман. Тикувчилик ҳунарим борлиги учун маҳалламизнинг хотин-қизлар фаоли кўмаги билан ўтган йили менга субсидия асосида тикув машиналари берилди. Бугун тикувчилик билан шуғулланиб даромад оляпман, турмушдаги камларнинг ўрнини тўлдиришга ҳаракат қиляпман.

— Жонажон диёримиз Хоразмда тўрт мингдан ортиқ корейслар ўзбек, туркман, тожик, рус, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда, — деди Корейс миллий маданий маркази раҳбари Антонина Ким. — Байрам барчага ўзгача хурсандчилик бағишламоқда. Тадбирга бошқа эллар ва миллат вакиллари қаторида Корейс миллий маданий маркази аъзолари ҳам қизғин тайёргарлик кўриб келган. Ижтимоий адолат, қонун устувор, миллат ва элатларнинг маданий, тил ва диний қадриятлари, анъана ва урф-одатлари ҳурмат қилинаётган юртга мана шундай байрамлар ярашади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қўшни давлатлар билан чегаралар очилганда қанча одамлар қувончи ичига сиғмай йиғлаган, давлатимиз раҳбарини алқаб дуо қилганди.

Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Президентлари иштирокида тарихда илк бор бўлиб ўтаётган уч томонлама саммит мамлакатларимиз ўртасидаги минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Бу қувончли хабарни уч мамлакат халқлари катта хурсандчилик билан кутиб олмоқда.

Шу тариқа байрам байрамларга уланмоқда. Марказий Осиё минтақасида дўстлик, бирдамлик, бағрикенглик шукуҳи, ўзаро боғлиқликда тараққий этиш мақсади кезиб юрибди. Яшариш ва янгиланиш айёмида мамлакатимизда бўлиб ўтаётган миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва дўстлик байрами ана шу ҳамжиҳатлик ва абадий дўстлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# “ЯШИЛ” УЙЛАР

## КЕЧАНИНГ ХАТОСИНИ ТУЗАТИШ, ЭРТАНИНГ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

### Бугуннинг гапи

**Дунё тажрибасида уй иситиш ва совитишда “яшил” энергиядан фойдаланиш нафақат экологик барқарор ечим, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам самарали экани исботини топган. Энергия самарадор уйлар истеъмолни сезиларли даражада камайтириш баробарида ўзидан энергия ишлаб чиқариши билан ҳам алоҳида ажралиб туради.**

Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд уй-жойларнинг аксариятида энергия самарадорлиги паст. Сабаби улар энергия ресурслари, айниқса, табиий газ арзонлиги туфайли иссиқлик изоляциясига етарлича эътибор берилмаган ҳолда барпо этилган. Оқибатда қишда иссиқликнинг катта қисми ташқарига чиқиб кетади, ёзда эса хоналар тез қизийди. Натижада иситиш ва совитиш учун қўшимча энергия сарфланади.

Таҳлилларга кўра, энергия самарадорлиги паст уйларда иссиқликнинг катта қисми турли воситалар орқали йўқотилади. Хусусан, ҳаво айланиш тизимидан 30-35 фоиз, деразалардан 20-40 фоиз, деворлардан 15-25 фоиз, пойдевордан 15-20 фоиз, томдан 10-20 фоиз иссиқлик ташқарига чиқиб кетади. Бундай йўқотишлар уйда иссиқликни сақлашни қийинлаштириб, иситиш харажатларини сезиларли даражада оширади. Шу боис, уйларни қуриш ва таъмирлашда самарали изоляция материалларидан фойдаланиш, герметизация қилиш, энергия тежовчи дераза ва эшиклар ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этиш, энергия тежамкорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Уйларни иситиш ва совитишдаги мавжуд ҳолат анъанавий энергия манбаларига юқори даражада боғлиқ. Бу эса “яшил” энергиядан фойдаланиш ва энергия самарадор технологияларни жорий этиш заруратини янада долзарб қилиб қўймоқда. Бинобарин, бунинг афзаллиги кўп.

**Экологик жиҳатдан** қуёш, шамол, геотермал ва биомасса энергияси қайта тикланувчи ёки деярли тугамайдиган табиий ресурслардан олинади. Анъанавий ёқилғи турларидан анча самарали.

**Иқтисодий жиҳатдан** уй эгаларининг иситиш ва совитиш учун энергияни мустақил равишда ишлаб чиқариш имконияти марказий тармоқдан олинадиган энергияга эҳтиёжни камайтириб, ёқилғи харажатларини сезиларли даражада тежайди.

#### Концепция ва технологияси қандай бўлади?

Бу борада **пассив уйлар** концепцияси самарадорлик энг илғор йўналишларидан биридир. Унинг асосий мақсади бинони иситиш ва совитиш учун ташқи энергия манбаларига эҳтиёжни минималлаштириш ёки бутунлай бартараф этишдир.

Пассив уйларда иситиш ва совитиш учун асосий энергия манбаи бинонинг ўзида ҳосил бўладиган иссиқликдир. Яъни одамлар, маиший техника воситалари ҳамда қуёш нурининг тўғридан тўғри тушиши ҳисобига ҳосил бўладиган энергия шунга хизмат қилади. Юқори даражадаги изоляция ва герметизация бу иссиқликни ушлаб қолиб, ташқи ҳароратнинг кескин ўзгаришидан ҳимоялайди. Рекуперацияли вентиляция тизими эса ҳаво алмашинувини таъминлаган ҳолда иссиқликни сақлашга ёрдам беради.

Пассив уйлар концепцияси дастлаб 1980-йилларнинг охирида Германияда ишлаб чиқилган ва кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларида, шунингдек, Шимолий Америка ва Осиёда ҳам кенг тарқалган. Австрия, Германия, Швеция каби мамлакатларда пассив уйлар қурилиши бўйича катта тажриба тўпланган.

Масалан, Германиядаги Пассив уйлар институти (Passivhaus Institut) бу соҳадаги етакчи ташкилот ҳисобланади ва бундай уйларнинг стандартларини белгилайди. Мамлакатда бу бинолардан нафақат турар жой сифатида, балки мактаб, боғча, офис ва бошқа мақсадларда ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда. Уларнинг тажрибаси кўрсатадики, пассив уйлар анъанавий биноларга нисбатан иситиш ва совитиш учун 90 фоиз кам энергия сарфлайди.

Ўзбекистон иқлими континентал. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Бундай шароитда пассив уйлар концепцияси энергия тежашнинг самарали усули бўлиши мумкин. Юртимизда қуёшли кунлар кўплиги қуёш энергиясидан пассив фойдаланиш учун яхши имконият яратади.

Бироқ Ўзбекистонда пассив уйлар қурилишини кенг жорий этишда бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, маҳаллий бозорларда юқори самарали иссиқлик изоляцияси материаллари, герметизация воситалари ва махсус деразалар нархи баланд. Шунингдек, соҳада малакали мутахассислар етишмайди. Аҳолининг бундай технологиялардан хабардорлик даражаси паст ва ҳозирча қурилиш меъёрларида пассив уйлар стандарти мавжуд эмас.

**Актив уйлар** энергия самарадорлиги бўйича яна бир замонавий концепция бўлиб, пассив уйлардан фарқли ўлароқ, нафақат кам энергия сарфлайди, балки қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда энергия ҳосил қилади. Унинг асосий хусусияти шундаки, ўзи истеъмол қилганидан кўра, кўпроқ энергия ишлаб чиқаради. Бунга қуёш панеллари ва бошқа жиҳозлардан фойдаланиш орқали эришилади. Ишлаб чиқарилган ортиқча энергия аккумуляторларда сақланиши ёки марказий электр тармоғига узатилиши мумкин.

Дунёдаги биринчи актив уй Данияда қурилган бўлиб, у пассив уйнинг юқори энергия самарадорлигини қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш билан муваффақиятли бирлаштирган. Бундай уйлар Европанинг бошқа мамлакатлари, жумладан, Германия ва Австрияда ҳам қурилмоқда.

Ўзбекистоннинг қуёшли иқлими актив уйлар концепциясини қўллаш учун жуда қулай. Қуёш панеллари ўрнатиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ва уйнинг энергияга эҳтиёжини қондириш мумкин.

Энергия истеъмоли деярли нолга тенг бўлган намунавий уй Ўзбекистонда 2022 йилда Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги Ёшлик маҳалласида БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонд (ГЭФ) маблағлари ҳисобидан қурилган.

Президентимизнинг жорий йил 11 мартдаги “Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Жумладан, унга асосан, Чиноз ва Олтиариқ туманларида бюджет маблағлари ҳисобидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (иссиқлик насослари, қуёш панеллари) ҳамда ресурстежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда тўрт қаватли уй-жойларни иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш, уларнинг энергия самарадорлигини ошириш учун иссиқлик изоляцияси бўйича лойиҳалари амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

“Яшил” имтиёзли кредитлар ҳисобидан ҳар бир вилоятда 100 тадан якка тартибдаги уй-жойда энергия йўқотишларни камайтириш учун уларнинг ташқи ва том қисмининг иссиқлик изоляцияси, энергиятежамкор ойна ҳамда эшик-ромларини ўрнатиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш лойиҳалари тажриба-синов асосида бошланади. Бироқ актив уйлар барпо этилиши пассив уйлар қурилишига нисбатан кўпроқ ресурс (молиявий, моддий, инсон ва ҳ.к.) ва замонавий технологияларни талаб этади. Қуёш панеллари, аккумуляторлар ва ақлли бошқарув тизимлари нархи юқори бўлиши мумкин. Шу билан бирга, энергия нархи ўсиб бориши ва қайта тикланувчи энергия технологиялари арзонлашиши актив уйлар бизда ҳам яқин келажакда кенгроқ тарқалишига йўл очади. Бунинг учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чораларини кучайтириш, маҳаллий шароитга мослаштирилган технологияларни ишлаб чиқиш ва аҳолининг бундай уйлар ҳақидаги хабардорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу мақсадга эришиш учун бир қатор йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз. Масалан, қурилиш нормалари, стандартларини такомиллаштириш, инновацион технологиялар ва материаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг хабардорлигини ошириш, тарғибот ишларини кучайтириш, малакали кадр ва мутахассислар тайёрлаш, уларни ўқитиш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, хорижий тажрибани ўрганиш, намунавий энергия самарадор уй лойиҳаларини ишлаб чиқишни оммалаштириш зарур.

Таҳлиллар кўрсатадики, Ўзбекистонда уйларни иситиш ва совитишда “яшил” энергиядан фойдаланиш ҳамда энергия самарадор уйларни бунёд этиш энергетика соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Фақат энергия самарадор уй-жойлар қурилишига комплекс ёндашув зарур. Бу нафақат энергия ресурсларини тежаш, балки атроф-муҳитни асраш ва аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир.



> “ЯШИЛ” ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИДАН ҲАР БИР ВИЛОЯТДА 100 ТАДАН ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙДА ЭНЕРГИЯ ЙЎҚОТИШЛАРНИ КАМАЙТИРИШ УЧУН УЛАРНИНГ ТАШҚИ ВА ТОМ ҚИСМИНИНГ ИССИҚЛИК ИЗОЛЯЦИЯСИ, ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР ОЙНА ҲАМДА ЭШИК-РОМЛАРИНИ ЎРНАТИШ, ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ҚУРИЛМАЛАРИ, ЭНЕРГИЯ ТЕЖОВЧИ УСКУНАЛАРНИ ЎРНАТИШ ЛОЙИҲАЛАРИ ТАЖРИБА-СИНОВ АСОСИДА БОШЛАНАДИ.



**Абдулаҳад НОДИРОВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти бош мутахассиси**



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗГАРАЁТГАН ДЕМОКРАТИК ҚИЁФАСИ

Буюк ўзбек йўли

## УНДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ ҚАНДАЙ?



**Валишер ДАВЛЯТОВ,
Парламент тадқиқотлари институти директори ўринбосари**




**Ўзбекистон янги ривожланиш босқичига тобора шиддат билан қадам қўймоқда. Мамлакатимизнинг демократик қиёфаси ўзгармоқда. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий янгиланишлар юз бермоқда. Энг муҳими, ушбу ислоҳотлар замиридаги “Инсон қадри учун” ҳамда “инсон — жамият — давлат” каби тамойиллар ҳаётимизга чуқур кириб боряпти. Юртимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар асосида инсон қадрини улуғлаш, халқимизни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсади турганига барчамиз гувоҳ бўляпмиз.**

Албатта, янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк мақсад йўлидаги шиддатли ислоҳотлар натижадорлигини таъминлаш, самарадорлигини оширишда парламентнинг ўрни катта. Буни кейинги йилларда миллий парламентимиз фаолиятидаги янгиланишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Эътиборли жиҳати, бу ютуқлар халқаро даражада тан олиниб, эътироф этилмоқда.

Шу йил 5-9 апрель кунлари Халқаро Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей сессияси Тошкент шаҳрида ўтказилиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Бинобарин, Парламентлараро Иттифоқ ассамблеяси илк бор Марказий Осиё заминида — айнан Тошкентда ўтказилади. “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусидаги халқаро анжуманда 180 мамлакат, 15 кузатувчи давлат ҳамда 30 га яқин халқаро ва парламентлараро ташкилотдан 2 мингга яқин делегат иштирок этиши кутилмоқда.

Келинг, шу ўринда миллий парламентимизнинг бугунги фаолиятига бир назар солсак.

### ҚОНУНЛАР — ҲАЁТИЙ, УНИНГ МУАЛЛИФИ — ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ

Ҳуқуқий давлатни қонун ижодкорлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда “Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат” принципи мустаҳкамланди. Бу эса қонунчиликнинг мақбуллиги, мукаммаллиги, халқчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш муҳим эканини кўрсатади.

Қонун ижодкорлиги ўзига хос мураккаб усул ва воситалар мажмуидан иборат. Жамиятда унга эҳтиёжни аниқлашдан то қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш ва ижросини таъминлашгача бўлган барча жараёнларни қамраб олади.

Бугунги шиддатли ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлақонли таъминлаш мақсадида қонун ижодкорлиги фаолияти ҳам такомиллашиб бормоқда. Чунки ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан **қонун ижодкорлиги жараёни сифатига** бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида норма ижодкорлиги соҳасида ўта долзарб вазифалар тургани назарда тутилиб, қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

**“Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт”,** деган устувор тамойил асосида қатор янги демократик тартиб-қоидалар жорий этилмоқда.

Парламент қуйи палатасида қонун лойиҳалари жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмоқда. Тўғридан тўғри амал қилувчи, яъни ижро этиш учун қўшимча ҳужжат ишлаб чиқиш талаб этмайдиган қонунларни қабул қилишга эътибор кучайтирилди.

Айни вақтда бутун бир соҳани тартибга солувчи қонунчилик жараёни қайта кўриб чиқилмоқда ҳамда яхлит қонунлар қабул қилинмоқда. Бу қонунчилик базасининг тизимлилиги ва комплекслигини таъминламоқда.

Қонунчилик палатаси ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар майдонига, чинакам **“демократия мактаби”**га айланиб бормоқда. Қонун лойиҳалари муҳокамасида ташаббускор идоралар вакиллари билан бирга соҳа экспертлари, мутахассислари ва олимлар фаол иштирок этяпти. Ўз фикрини билдириши учун уларга барча имкониятлар яратилмоқда.

Бугун Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги фаолияти кўлами ҳам, иш ҳажми ҳам юртимиздаги ислоҳотларга ҳамоҳанг. Жумладан, 2016 йилда 19 та қонун қабул қилиниб, Сенатга юборилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 97 тани ташкил этгани сўзимиз тасдиғидир.

Қонун лойиҳаларини кўпроқ Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва қўмиталарида муҳокама қилиш амалиёти қарор топмоқда. Ушбу амалиёт қонун лойиҳаларини ташаббускор субъект вакиллари, соҳа мутахассислари, экспертлар ва олимлар иштирокида ҳар томонлама кўриб чиққан ҳолда маромига етказиш, шунингдек, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларда **сайловчилар манфаатини янада тўлиқ ифодалаш** ҳамда ушбу қонунларни ҳаётга самарали жорий қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида ўтказилаётган ислоҳотлар доирасида бутун бир соҳани тартибга солувчи қонунчилик жараёни қайта кўриб чиқилмоқда ва қатор яхлит қонунлар қабул қилинмоқда.

Норма ижодкорлиги бугунги ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг асосий омили эканидан келиб чиқиб, уни янада такомиллаштириб бориш катта аҳамиятга эга. Зеро, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши халқимиз фаровонлигини оширади, ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлашга ҳисса қўшади.

> **ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ ВА ҒОЯЛАРИ АСОСИДА ОЛИЙ МАЖЛИС МАМЛАКАТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЧИНАКАМ ДЕМОКРАТИК ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА. МИЛЛИЙ СИЁСИЙ ТИЗИМ ҲАМДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АСОСЛАРИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР ПАРЛАМЕНТНИНГ ЖАМИЯТИМИЗ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРМОҚДА.**

### ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва ғоялари асосида парламентнинг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг қонунчилик базаси мустаҳкамланмоқда.

Айни пайтда янги таҳрирдаги Конституция асосида парламентнинг назорат фаолияти мутлақо янги босқичга кўтарилди, десак муболаға бўлмайди.

Таҳлилларга кўра, янги таҳрирдаги Конституциянинг парламент фаолияти қисмига киритилган янгиликларнинг аксарияти парламент қуйи палатасининг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган.

Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг биргаликдаги ваколатлари, жумладан, назорат функцияларини бажариши чоғида кузатилаётган параллеллик ва бир-бирини такрорлаш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида қайта кўриб чиқилди.

Олий Мажлис палаталарининг назорат фаолиятидаги параллеллик давлат органлари фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатар, назоратнинг таъсирчанлигини пасайтирарди.

Яна бир муҳим жиҳат мавжуд. Олий Мажлис палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига Ўзбекистон Республикаси давлат қарзининг энг юқори миқдорини белгилаш ҳам киритилди.

Ушбу ваколат қонун нормалари билан тартибга солинган. Масалан, Олий Мажлиснинг давлат қарзининг энг кўп миқдорини белгилашга доир ваколати Бюджет кодексида (152-модда), “Давлат қарзи тўғрисида”ги қонунда (4-модда) мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, давлат қарзининг энг юқори миқдорини белгилаш Олий Мажлис палаталарининг умумий ваколатлари доирасига киритилди.

Бундан ташқари, парламентнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ўрнини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш белгиланди.

Шунингдек, парламент текшируви самарадорлигини ошириш, ушбу текширувни ўтказишга парламент иккала палатасининг жалб этилиши ва иштирокини таъминлаш мақсадида парламент текширувлари фақат қўшма шаклда ўтказилиши назарда тутилди.

Парламент фаолиятидаги бу каби ислоҳотлар, айниқса, ҳисобдорликнинг бундай шакллари жорий этилгани ҳукуматнинг очиқлиги ва масъулиятини тубдан оширмоқда. Жойларда аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни ҳукумат олдига қўйишда айни муддао бўлмоқда.

Парламент назорати тадбирлари давомида тегишли соҳани ривожлантириш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда мансабдор шахслар ишига танқидий баҳо беришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ҳукумат аъзолари, мансабдор шахслар фаолияти самарадорлигини янада ошириб, пировардида фуқароларнинг давлат органлари фаолиятидан розилигини таъминлайди, халқимиз фаровонлигини юксалтиради.

### САЙЛОВЧИЛАР ВА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Сиёсий партиялар — жамиятни тараққиётга етакловчи, одамлар фаровон яшаши учун дадил ғоя ва ташаббусларни тақдим этувчи катта куч. Сиёсий партиялар манфаатини илгари сурувчи орган эса уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларидир.

Қонун лойиҳаларидаги нормалар халқчиллигини таъминлаш ҳамда жамият ҳаётини янада яхшилаш борасидаги самарадорлигини ошириш мақсадида йўлга қўйилган **“электорат билан маслаҳатлашув”** институти фракцияларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Жойлардан қонун лойиҳалари бўйича келиб тушган фикр ва таклифлар сиёсий партиялар томонидан умумлаштирилиб, фракциялар мажлисида кўриб чиқилмоқда. Натижада Қонунчилик палатасида муҳокама қилинадиган ҳар бир қонун лойиҳасида сайловчилар ва партия электоратининг манфаатлари ўз аксини топяпти. Қолаверса, фракциялар қонун лойиҳалари муҳокамасида принципиал позициясини атрофлича намоён этиш имкониятига эга бўлмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустаҳкам позициясини кўрсатган тақдирдагина сайловчилар ишончини оқлай олади.

Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналишда қарор топган амалиёт Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича фракциялараро рақобат муҳитини кескин кучайтирди.

### ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ — ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ЧИНАКАМ ИФОДАЧИСИ

Сайловчилар билан мулоқотни кенгайтириш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланган ҳолда ҳал этиш масаласи депутатлар корпуси фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Президентимизнинг депутат билан сайловчилар ўртасида мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш механизмларини такомиллаштиришга доир ташаббуси парламентга аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни чуқур ўрганиш, халқ ва давлат институтлари ўртасида кўприк бўлиш, сайловчиларнинг манфаатини тўлароқ ифодалаш имкониятини бермоқда.

Ўтган даврда халқ вакиллари фаолиятида **сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт,** деган тамойил устувор аҳамият касб этгани туфайли аҳоли билан доимий мулоқот сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Авваллари депутатлар бир йилда **уч-тўрт марта** учрашувларга чиққан бўлса, энди **ҳар ойнинг охирги ҳафтаси** депутатларнинг сайлов округида ишлаши белгиланди. Бу сайловчилар манфаатини тўлақонли ифода этиш борасидаги яна бир муҳим қадам. Шу асосда депутатлар ўз сайловчиларининг эҳтиёжлари, муаммолари ва у ердаги ҳақиқий вазият тўғрисида ахборот олишини таъминловчи барқарор механизм шаклланди.

Халқ ноиблари фуқаролар билдираётган муаммо ва камчиликларни ўрганиш билан бирга ижтимоий ҳаётнинг муҳим жабҳаларидаги ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга халқнинг фикри ҳамда аҳоли манфаатларини инобатга олган ҳолда алоҳида эътибор қаратмоқда.

Депутатлар ўз ҳудудидаги Халқ қабулхоналари билан доимий алоқа ўрнатди ҳамда ҳамкорликда фуқароларнинг қабуллари ҳам ташкил этилди. Бундай қабулларда биргина 2023 йили 12,5 мингдан зиёд фуқаро иштирок этди. Депутатларнинг жойлардаги ушбу фаолияти аҳоли ва сайловчиларни ўйлантираётган, жамият олдида турган муаммо ҳамда камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, бартараф этади.

Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округларидаги фаолияти давомида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари, партия гуруҳлари ҳамда кенгашларда тузилган котибиятларнинг фаолияти самарали йўлга қўйилишига амалий ёрдам кўрсатиб келяпти.

Бу, ўз навбатида, Олий Мажлис палаталари ҳамда маҳаллий кенгашларнинг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, вакиллик органи сифатидаги функцияларини тўлақонли бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

### ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК БОШ МЕЗОНГА АЙЛАНДИ

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштириш, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини қарор топтириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичидаги бу каби ислоҳот ва янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда очиқлик ва шаффофлик парламент фаолиятида ҳам бош мезонга айланди.

Бугун ижтимоий тармоқларда ҳамда YouTube видеохостингида “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси” номли расмий саҳифалар очилиб, улар орқали Қонунчилик палатаси мажлислари тўғридан тўғри ёритиб борилмоқда.

Халқ вакилларининг ижтимоий тармоқлардаги фаоллиги сайловчилар билан янада яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, энг аҳамиятлиси, мавжуд қонунчиликка ўзгартишлар киритишда муҳим ўрин тутяпти.

Қонунчилик палатаси мажлислари жонли эфирга узатилаётгани халқимиз, кенг жамоатчиликнинг қуйи палатада қонун лойиҳалари муҳокамаси ва қабул қилиниши жараёнига қизиқишини янада оширди. Мажлисларнинг тўғридан тўғри эфирга узатилиши натижасида жамоатчилик томонидан Қонунчилик палатасида кўрилаётган масалалар юзасидан кўплаб фикр ва таклифлар билдирилмоқда.

Айни пайтда Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш жараёнида фуқароларнинг фикрларини инобатга олиш юзасидан мутлақо янги тизим шаклланяпти. Албатта, жамоатчилик томонидан илгари сурилаётган таклифлар Қонунчилик палатасининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Депутатлар корпуси фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қиляпти.

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

Халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш Қонунчилик палатаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

Қонунчилик палатасининг хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўпқиррали ҳамда самарали ҳамкорлиги изчил давом эттирилмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида айни йўналишда белгиланган устувор ва муҳим мақсадларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Натижада депутатлик корпуси мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар даврида Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган, очиқ, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи ҳамкорликка қаратилган, ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда илгари суришга асосланган ташқи сиёсий йўлнинг фаол иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон дунёдаги энг нуфузли халқаро парламент ташкилотлари бўлган Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти парламент ассамблеяси, МДҲ Парламентлараро ассамблеяси билан самарали ҳамкорлик қиляпти.

Ҳозир Олий Мажлисда 58 та давлат парламентлари билан парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолият юритмоқда. Ушбу гуруҳлар хорижий давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни янада ривожлантириш учун доимий мулоқот майдони вазифасини ўтаяпти. Ўз навбатида, чет эллик парламент вакиллари билан очиқ, конструктив ва жонли мулоқот олиб боришнинг қулай механизмига айланмоқда.

Бугун парламентнинг фаолият йўналишларига янги институт кириб келди. Яъни мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш бўйича Олий Мажлис палаталари кенгашлари томонидан “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, қатор ишлар бажарилмоқда. Бундай институт халқ вакилларининг масъулиятини янада ошириш билан бирга парламентни ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиради.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Янги Ўзбекистонда миллий парламентаризмнинг асосий йўналишлари ривожланиши мамлакатимизда кўпмиллатли олижаноб халқимизнинг хоҳиш-истаклари, орзу-умидлари билан муштаракдир.

Президентимиз ташаббуси ва ғоялари асосида Олий Мажлис мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, халқ ҳокимиятининг чинакам демократик тизимини шакллантириш борасида муҳим ўрин эгалламоқда. Миллий сиёсий тизим ҳамда давлат бошқаруви асосларини демократлаштиришга қаратилган ташаббуслар парламентнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини янада кучайтирмоқда.

Парламентнинг муҳим ва мустақил институт сифатидаги фаолияти мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, чинакам ҳуқуқий давлатни шакллантириш, мамлакатда конструктив ва бунёдкорлик муҳитини яратиш борасида муҳим аҳамият касб этади.





**МАМЛАКАТНИНГ БИРГИНА ЧЕККА ТУМАНИДА АЁЛЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИШ, ЕЛКАДОШ БЎЛИШ, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ, МЕҲНАТ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРДАН БИР ШИНГИЛ. МУҲИМИ, БУ АЁЛ-ҚИЗЛАР БУГУНИДАН МАМНУН, ЭРТАСИДАН ХОТИРЖАМ.**

Ҳудудлар ҳаёти

# ТАДБИРКОРЛИКДА ПУЛ ЙЎҚОТИШ МУМКИН, аммо ВАҚТ ва ИМКОНИЯТНИ ЭМАС

**Давлатимиз раҳбари Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимда “Бир ҳақиқатни барчамиз яхши тушуниб олишимиз зарур. Аёлларнинг ташвиш ва машаққати ҳам, зиммасидаги масъулияти ҳам эркакларга нисбатан анча юқори. Уй-рўзғор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари, десак, тўғри бўлади. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб бериш доимо давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади”, деган эди.**





Дарҳақиқат, шундай. Аёл-қизлар бандлигини таъминлаш, таълим олиши учун грант ва имтиёзлар бериш, касб-ҳунарга ўргатиш масаласига устувор аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманида аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш, фаровонлигини оширишга қаратилган давлат дастурларини ҳаётга изчил татбиқ этишда ҳам аёл-қизлар, албатта, қўллаб-қувватланяпти. Натижада тумандаги барча маҳаллаларда томорқачилик, иссиқхоначилик, чорвачилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик каби соҳалар бўйича тадбиркорлик қилаётган, даромад топаётган аёллар сони аввалги йиллардагига қараганда икки баробар кўпайган.

Шўрчи туманидаги Совжиронбобо маҳалласида яшовчи Гулсоат Кунарованинг асл касби ўқитувчилик. Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш билан бирга тадбиркорлик билан шуғулланаётган Гулсоат опа бир неча хотин-қизнинг иш билан бандлигини таъминлаган.

**Бир қараганда аёлнинг фаолияти кичик ва аҳамиятсиздек туюлади. У 5 йилдан буён оддий ёғочдан экспортбоп маҳсулотлар жойланадиган қути тайёрлаб келади. Бир кунда ўртача 200 та яшик ясайдиган тадбиркорнинг даромади ишига мос.**

— Тадбиркорлик билан шуғулланишга авваладан қизиқиб юрардим, — дейди Гулсоат Кунарова. — Бу ниятимга 2021 йилда эришдим. Яшик ясашни апрелда бошлаб, ноябрда тугатамиз. Доимий 5, мавсумий 15 аёлнинг бандлигини таъминлаганмиз. Ёғоч қутиларни олма, шафтоли, лимон, нок, узум, ўрик жойлаш учун таклиф ва буюртмага қараб етказиб берамиз. Мен билан бирга ишлайдиган аёлларнинг кунлик даромади 150-200 минг сўм.

Кичик корхонадаги аёллардан иборат усталар гуруҳи ўз ишини яхши ўзлаштирган. Чаққонлик борасида уларга тенг келадигани кам. Яшик ясовчи аёл усталар битта яшикни бир зумда ясаб қўйиб, кейингисини ясашга ошиқади.

— Маҳалламиз аҳли тадбиркорлик ортидан яхши даромад олишни, рўзғори обод ва фаровон бўлишини англаб етган, — дейди Совжиронбобо маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Муҳиддин Қорақулов. — Авваллари тадбиркорлик билан шуғулланинг, имтиёзли кредит олинг деб фуқароларга юзлансак, иккиланиб қоларди. Ҳозир эса бунинг акси. Ташаббускор одамлар имтиёзли кредит олиб, янгидан янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этяпти.

Совжиронбободa тадбиркор аёллар кўп. Бири ғишт ишлаб чиқараётган бўлса, бошқаси 35 турдаги бетон плита ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун дастур асосида 35 фуқарога имтиёзли кредит ажратилган. Маҳаллада тадбиркорлик субъектлари 45 тага етган.

Бу ерда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам эришиляпти. Фуқаролар томорқадан самарали фойдаланиб, ўзининг бандлигини таъминламоқда.

Шўрчи тумани Бўстон маҳалласида яшовчи Сайрам Алимардонова ҳам тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган. Айтишича, сут маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида сметана, қаймоқ, қатиқ, бринза, сариёғ, творог тайёрлаб сотяпти. Бир кунлик ишлаб чиқариш ҳажми 100-200 литрни ташкил этади. Даромади ҳам ёмон эмас. Ўзи билан бирга 3 аёл-қизни ишли қилган. Келгусида фаолиятини кенгайтириб, янги иш ўринларини очиш нияти бор.

Туманнинг Оққўрғон маҳалласида яшовчи Ўролой Қудратова шу пайтгача қўл машинаси ёрдамида тикувчилик қилиб келаётган эди. Туман ҳокимлигига замонавий тикув машинаси олишда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ижобий ҳал этилгач, иши анча осонлашди.

— Тўғриси, оддий қўл машинаси ёрдамида битта кўйлакни 4-5 кунда тикардим, — дейди аёл. — Энди замонавий машина ёрдамида чиройли, бежирим либосларни қисқа муддатда тикяпман. Меҳнатим орқали оиламизга барака киряпти. Албатта, бу дунёда ҳамма тўкин яшашни хоҳлайди.

Шўрчи туманидаги Элбаён маҳалласида яшовчи Зефина Қодирова 43 йилдан буён турмуш ўртоғи билан бирга нишолда ва ҳолва тайёрлаб келади.

— Нишолда, ҳолва тайёрлаш ота-боболаримиздан қолган ҳунар. Рамазон ойида ҳар куни 200 килограмм нишолда ва ҳолва тайёрлаяпмиз. Тайёр маҳсулотларимизни бозорга, яқин атрофимиздаги савдо шохобчаларига етказиб берамиз, — дейди Зефина Қодирова. — Нишолда ота-боболаримиз тайёрлаган, истеъмол қилган ширинлик. Унинг таркибида етмак деган ўсимлик илдизи бор. Шу боис, нишолда овқат ҳазм қилиш тизимини яхшилайди, ичакларни тозалайди. Айниқса, ошқозон яраси безовта қиладиганлар учун жуда фойдали. Бу ҳақда табобатга оид китобларда ҳам ёзилган.

Ўзбек хонадонларида тайёрланадиган ҳар мавсумга хос таомлар бор. Масалан, баҳорда кўк сомса, Наврўзда сумалак, ёзда гўжа пиширилади. Боиси, ушбу таомларга ишлатиладиган маҳсулотларни бошқа фаслларда одатда топиш мушкул. Аммо муқаддас Рамазон ойи қайси фаслга тўғри келишидан қатъи назар, албатта, нишолда тайёрланади.

Туманнинг Тамаддун маҳалласида яшовчи Муҳаббат Эшбадалова қўлигул аёллардан. У гулчилик билан шуғулланади. Томорқасидаги иссиқхонада 14 турдаги гул кўчатлари билан бирга бодринг ниҳолларини парваришламоқда.

— Гул ҳам сўзлайди. Табассум қилади. Унинг ҳам жони бор. Эътибор берсангиз, ўз тилида шивирлайди, — дейди Муҳаббат Эшбадалова. — Гулларга меҳр ва эътибор, парвариш керак. Вақтида ўғитини, дорисини бериш, суғориш керак. Ер қатқалоқ бўлиб қолмаслиги зарур. Шундагина экилган гул ва ўсимликлар баравж ривожланади.

Шўрчилик Нодира Худойқуловани тумандагилар яхши танийди. У ҳам кейинги йилларда хотин-қизларга берилган имкониятлар ортидан юзага чиққанлардан. Сира меҳнатдан қочмайди. Ҳовлисининг бир бурчидаги икки сотих ерда иссиқхона қуриб, тадбиркорлигини бошлаган эди. Ўтган йили бодринг экиб, яхшигина даромад олди. Бу йилги мавсум учун ҳам ерга бодринг уруғини қадаган. Ҳозирда кўчатлар анча кўкариб қолган. Нодира Худойқулова тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан 33 миллион сўмлик кредит олиб, чорвачиликни йўлга қўйди.

**— Кредит эвазига дастлаб 15 та қўй олгандим. Кўпчилик чорва боқиш қийин масала деб чўчитганди. Ишласа, ишга меҳр берса, эпласа бўларкан. Ҳаммасини ўзим бажараман. Ҳозир қўйларим сони 50 бошга етди, — дейди Нодира Худойқулова.**

Булар мамлакатнинг биргина чекка туманида аёлларга шароит яратиш, елкадош бўлиш, оғирини енгил қилиш, меҳнат билан бандлигини таъминлаш борасидаги ишлардан бир шингил. Муҳими, бу аёл-қизлар бугунидан мамнун, эртасидан хотиржам. Оиласи фаровонлиги, рўзғори тўкинлигига эришиш йўлида сабот билан меҳнат қиляпти.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

---

КОРРУПЦИЯ — жамият танасидаги саратон





# ИЛДИЗ ҚИРҚИЛМАСА, ҚУРУҚ ТАНА КУРТАК ЁЗАВЕРАДИ

**Етакчи халқаро ташкилотлар таҳлилига кўра, рақамли иқтисодиёт яширин иқтисодиётга барҳам берган ҳолда ЯИМни камида 30 фоиз оширади. Халқаро амалиётга кўра, бугунги рақамли иқтисодиёт электрон тижорат ва хизматлар билан чекланиб қолмай, ҳаётнинг барча жабҳалари, хусусан, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим, қурилиш, энергетика, қишлоқ хўжалигини қамраб олган. Қолаверса, сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, архив ҳамда турли интернет-банкингга тез кириб, бошқа соҳаларни ҳам қамраб олаётгани, уларнинг ҳар бирида юқори натижа кўрсатиб келаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.**

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



**Мурод ТУРҒУНОВ,**
**Давлат ва ҳуқуқ институти директори, юридик фанлар доктори**

Президентимиз Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг жорий йил 5 март куни бўлиб ўтган йиғилишида бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларга объектив баҳо берилиб, келгуси вазифалар белгиланди. Давлатимиз раҳбари коррупция ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асоси янги таҳрирдаги Конституциямизда мустаҳкамланган. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 93-моддасида Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшитиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киритилган.

Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари ишида очиқлик ва шаффофлик, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, улар фаолиятида коррупция ҳолатларига қарши курашиш, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш борасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколати белгиланиб, конституциявий даражада бу иллатга қарши муросасиз курашиш белгилаб қўйилган.

Кейинги саккиз йилда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши самарали курашиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Буни биргина соҳа ва тармоқларни рақамлаштириш, уларда сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2020 йилда иқтисодий тараққиёт, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш соҳаларини рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган эди.

Шу асосда электрон кооперация ва давлат харидлари махсус ахборот порталлари, Пенсия жамғармасининг ахборот тизими такомиллаштирилди. Олий маълумотли кадрларга эҳтиёжни аниқлаш ва ижтимоий ҳимоя ягона реестри жорий этилди. Иқтисодиётнинг шу каби муҳим тармоқларини рақамлаштириш жараёни сунъий интеллектни ишга солиш зарурлигини кўрсатди. Натижада Президентимизнинг 2024 йил 14 октябрдаги “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатимизнинг сунъий интеллект соҳасида катта амалий тажрибага эга ҳамда ундан фаол фойдаланаётган етакчи давлатлар қаторига киришига эришиш, шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш вазифалари қўйилди.

Президентимизнинг 2024 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан тўртинчи очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, ҳуқуқий, технологик ва иқтисодий асосларни белгилаш мақсадида Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

Умуман олганда, кўрилган шу каби чоралар, яратилган қулай муҳит туфайли қисқа муддатда кўпчилик юртдошларимизни қийнаб келган банк-молия, таълим, давлат хизматлари каби аксарият йўналишларда коррупцияни жиловлашга эришилди.

Моҳиятан коррупция порахўрлик, ўзлаштириш ва пул маблағларини қайтаришни ўз ичига олган, лекин улар билан чекланмаган қасддан қилинган ҳаракатдир. **Коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишдир.

Коррупция деярли барча давлатларда мавжуд. У демократик ва нодемократик давлатлар, жамиятларга хос муаммодир. Фақат шаклан ўзгаришлар мавжуд. Усул ва воситаларда жузъий тафовутлар кузатилади. Бироқ инқироз моҳияти бир хил. Мазкур ҳуқуқбузарлик одамларнинг ҳаёт сифатини пасайтиради, асосан, аҳолининг камбағал ва ўрта синфига таъсир кўрсатади. Коррупцияни камайтирадиган омилларни аниқлаш орқали дунё келажакда янада ахлоқсиз хатти-ҳаракатларнинг олдини олиши ва ҳар бир инсоннинг ҳаёти сифатини ошириши мумкин.

Тадқиқотларга кўра, электрон ҳукумат коррупцияни назорат қилиш, иқтисодий ўсиш ва самарадорликка ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ бу мумкин бўлган имтиёзларга фақат ушбу тизимлар тўғри жорий этилган тақдирдагина эришиш мумкин.

Коррупцияга қарши муваффақиятли курашиш учун мамлакатда яхши созланган ахборот технологияси инфратузилмаси, IT бўйича изчил сиёсат, юқори рақамли етуклик ва пухта ҳуқуқий тизим бўлиши керак.

Сиёсатчилар ўз мамлакатидаги институционал ва ресурс муҳитини ҳисобга олиши зарур. Мисол учун, интернетга асосланган иловалар ва ҳуқуқий тизим одамларнинг ишончини қозонмаса, электрон тижорат ўсиши чекланиши ва оқибатда коррупция юқорилигича қолаверади. Ушбу вазиятни ҳал қилиш учун IT билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш, инфратузилмага кўпроқ сармоя киритиш ва интернет хавфсизлиги каби тегишли технологияларни янгилаш талаб этилади. Бундай ижобий ўзгаришлар ишонч пастлигининг салбий таъсирини юмшатиб, коррупцияни камайтиради.

Йиғилишда кадрларни баҳолашда эски намунадаги “объективка”дан воз кечилиб, илғор IT технологиялар асосида ходимнинг малакаси ва салоҳияти, эришган натижаларини баҳолайдиган тизимга ўтилиши белгиланди. Президентимизнинг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичлари, Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган. Бу низомга асосан, коррупцияга қарши курашиш беш йўналишда амалга оширилади:

**биринчиси,** давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилгани ҳамда амалиётга татбиқ этилгани;

**иккинчиси,** коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича тадбирлар амалга оширилгани;

**учинчиси,** давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатлари мавжудлиги;

**тўртинчиси,** ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмасини ошириш бўйича тадбирлар амалга оширилгани;

**бешинчиси,** коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ бўйича аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирлари самарадорлиги.

Ҳар бир рейтинг йўналиши бўйича тегишли кўрсаткичлар индикатори белгиланиб, ҳар бири йил охирида аниқ баҳоланади ва унда бевосита сунъий интеллектдан фойдаланилади. Яъни Ўзбекистонда электрон кузатув одатдаги ҳолатга айланиб, давлат ва жамият бошқарувини анча енгиллаштиради. Бевосита коррупция муносабатларини фош қилишда асосий аҳамиятга эга воситага айланади.

Мутасаддиларга сунъий интеллект асосида аҳолининг саволларига қўл телефони орқали содда жавоб берадиган онлайн платформани ишга тушириш топшириғи берилди.

Фикримизча, ушбу онлайн платформа юртдошларимизнинг иқтисодий-ҳуқуқий билими ошиши, айниқса, рақамли маконда турли фирибгарликларнинг олдини олишга замин яратади. Умуман олганда, ҳар бир соҳани рақамлаштириш, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш барқарор ривожланишга асос бўлади. Буни биргина олий таълим тизимидаги янгиланишларда ҳам кўриш мумкин.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “бундан 7-8 йил аввал олийгоҳларга ўқишга киришда “таниш-билишчилик” авж олган эди. Соҳа рақамлашди, имтиҳонлар онлайн трансляция бўляпти. Аввал тест топшириб, тўпланган балга қараб, кейин олийгоҳни танлаш тизими жорий қилинди. Олий таълимда 35 турдаги ҳужжатларни инсон омилисиз олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2 баробар камайди.

Ёки ерни ҳоким қарори билан ажратиш амалиётидан тўлиқ воз кечилиб, ер ажратиш аукцион тизимига ўтгани натижасида бу тизимда ҳам илгари кузатилган “таниш-билишчилик”, “олди-берди” каби коррупцион ҳолатларга чек қўйилди. Бошқача айтганда, тизимда адолат таъминланиб, халқчил бўлди.

Мазкур иллатни йўқ қилувчи энг самарали восита иқтисодиётни рақамлаштиришдир. Сунъий интеллект, виртуал нейрон сетлар (каналлар) ва рақамли воситалар макони ўзининг муқаррар ижобий самарасини намоён қилиб, жамиятимизни порахўрликдан тозалайди. Манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳам коррупциянинг олдини олишда энг муҳим тадбир сифатида кўрилиши керак. Адолатли иш ҳақи, муносиб турмуш шароити, кадрларни танлаш, тайинлашда меритократия ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиши лозим. Бинобарин, коррупциянинг илдизи қирқилмаса, қуруқ танаси вақт ўтиб, куртак ёзаверади.



**Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Ҳақиқатан, кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати энг юксак баҳога муносиб. Тан олиш керак, ана шундай шарафли касб эгаларига яқин ўтмишда етарлича ҳурмат-эътибор кўрсата олмадик. Қайси соҳага қўшимча ишчи кучи керак бўлса, биринчи навбатда, ўқитувчи-педагоглар жалб этиладиган бўлиб қолган эди.**

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

## БАРЧАМИЗДАН ҲАМЖИҲАТЛИК, ФАОЛЛИК, ФИДОЙИЛИК ТАЛАБ ЭТАДИ

Янги ислоҳотлар бошланган илк кунларданоқ ана шу оғриқли масалани ҳал этишга — ўқитувчиларни, болалар ва аёлларни мажбурий меҳнатдан халос қилишга киришилди. Президентимизнинг қатъий иродаси ва интилиши билан бу нохуш ҳолатлар бугун тарихга айланди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида таълим-тарбия соҳаси вакиллари билан мулоқотида ватан ва халқ манфаати учун мардона курашадиган, фаол фуқаролик позициясига эга, билимли ва бунёдкор авлодни заҳматкаш, жонкуяр устозлар тарбиялашини таъкидлаган, бунинг учун, аввало, ўқитувчининг ўзи ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий жиҳатдан ҳимояланган ва етарли таъминланган бўлиши кераклигига урғу берган эди.

Дунё миқёсида рақобат янада кучайиб борадиган, ўта мураккаб бир даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия соҳаси, ўқитувчи меҳнатининг туб моҳиятини ташкил этади.

Ёшларимиз билим олиши учун барча шароитни яратиш, ўқув биноларини қуриш, замонавий жиҳозлаш мумкин. Лекин фарзандларимизга юксак мезонлар асосида таълим-тарбия берадиган, янгича, инновацион фикрлайдиган муаллим ва ўқитувчиларни тайёрлаш жуда катта меҳнат ва масъулият талаб этади.

Болалар нафақат ўзи улғаяётган оиланинг, балки юртнинг келажагидир. Бугун ёшларимиз барча соҳада юксак натижаларга эришмоқда. Бу ўқитувчиларнинг нуфузи ва мақоми ошгани, мактаб ҳамда мактабгача таълимга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир. Энг асосийси, бу заҳматкаш, фидойи инсонлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш учун бор куч ва имкониятдан фойдаланилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Уларга таълим-тарбия бериш учун юртимизда 10 минг 163 та мактаб, 31 минг 139 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ва 6 минг 919 та давлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Энг муҳими, ушбу муассасалардаги шароитни яхшилаш, таълим-тарбия сифатини ошириш доимий эътиборда.



Ҳозир ўз устида астойдил ишлаган, хорижий сертификат олган 6 минг ўқитувчи 10 миллион сўмдан зиёд маош олмоқда. Ўқитувчиларга маҳорати ва эришган ютуқларига қараб тўланадиган устамалар сони 3 тадан 17 тага оширилди.

Муаллимларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, халқаро стандартлар асосида малака сертификатини бериш йўлга қўйилди. Ҳукуматнинг тегишли қарорига кўра, малака тоифаси тест синовларида иштирок этиб, олий ва биринчи малака тоифасига эришган ҳамда 86 ҳамда ундан юқори балл тўплаган педагогларга 70 фоиз устама берилмоқда.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида мактабгача таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, умумий ўрта таълим тизимида "Таълим учун қулай муҳит" дастурини амалга оширишга доир муҳим вазифалар белгиланган. Зеро, болаларни мактабгача таълим ва тайёрлов гуруҳларига тўлиқ қамраб олиш, давлат мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз компьютер синфи билан таъминлаш орқали тарбияланувчиларда бошланғич компьютер саводхонлиги кўникмасини шакллантириш, мактабгача таълим ташкилотларини 100 фоиз тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминлаш бугуннинг долзарб вазифаларидан.

Муҳим масалалардан яна бири — умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш. Айни мақсадда 700 га яқин номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар, янги авлод дарсликлари асосида планшетлар учун мингта мультимедиали дастур яратиш борасидаги вазифалар белгиланган.

Стратегияда мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ўртача иш ҳақини 2 баробар ошириш вазифаси ҳам қўйилган.

Президентимизнинг жорий йил 19 мартдаги "Мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони соҳада ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб бериш билан бирга Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман бўлинмалари ходимларини рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади.

Фармонда мактабгача ва мактаб таълими соҳасида бошқарув тизимига юқори салоҳиятли кадрларни жалб этиш, ислоҳотларнинг энг қуйи тизимгача етиб боришини таъминлаш, тизим ходимларини муносиб рағбатлантириш ҳамда вертикал бошқарув тизими самарадорлигини ошириш орқали сифатли таълимга эришишга доир қатор вазифалар белгиланди.

— Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатда сифатли таълим беришда мамлакат, ҳудуд, туман ва шаҳар даражасида яхлит вертикал бошқарув тизимини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бўлим бошлиғи Гулбаҳор Парпиева. — Бунда таълимнинг барча даражасидаги бошқарув тузилмаларига юқори салоҳиятли, замонавий билим, кўникма ва малакага эга ташаббускор кадрларни жалб қилиш орқали уларни муносиб рағбатлантириб бориш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларидаги директорлик лавозимига менежерлик, яъни бошқарув қобилиятига эга номзодлар саралаб олинади. Сифатли таълим олиши, зарур билим ва кўникмаларни эгаллаши учун ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш, жамоада ишлаш каби кўникмасини ривожлантиришга қаратилган баҳолаш мониторинги йўлга қўйилади.

Фармонда тизимда фаолият юритаётган педагогларнинг касбий ва педагогик маҳоратини ошириш ҳамда уларга малака тоифаси беришнинг янги тизими жорий этилиши, ташкилотлар фаолиятини рақамлаштириш орқали бошқарув самарадорлигини ошириш каби устувор йўналишлар белгиланди.

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатга кўра, туман ва шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ҳузуридаги махсус таъмирлаш-эксплуатация хизматидан 810 та штат бирлигини мақбуллаштириш ҳисобидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий ва туман, шаҳар бўлинмалари жами бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 5002 нафарга етказилади. Вазирлик, унинг тизимидаги агентлик ҳамда марказлар, ҳудудий ва туман, шаҳар бўлинмалари ходимларини кўп йиллик хизмати учун рағбатлантириш тизими жорий этилади.

— Бугун тизимда 10 мингдан ортиқ умумий ўрта таълим мактаби директори, 7 мингга яқин боғча мудираси, 35 мингдан ортиқ директор ўринбосари фаолият юритмоқда, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги департаменти бошлиғи Илҳом Сирожов. — 2025 йил 1 сентябрдан умумий ўрта таълим ташкилотлари директори лавозимининг базавий тариф ставкаси 20 фоиз оширилади. Бу дегани, қўшимча тўловлар билан бирга мактаб директори 10 миллион сўмгача маош олади.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим ташкилотлари директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкаси 15 фоиз, I ва II гуруҳга кирувчи мактабгача таълим ташкилоти директори лавозимининг базавий тариф ставкаси тегишлича III ва IV гуруҳдаги умумий ўрта таълим ташкилоти директори ўринбосари лавозимининг базавий тариф ставкасига тенглаштирилади.

— Сўнгги йилларда таълим тизимидаги ўзгаришлар, ўқитувчиларга эътибор ва рағбатдан хурсанд бўляпман, — дейди Учтепа туманидаги 109-мактаб директори Гулчирой Имомалиева. — Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида кўзда тутилган рағбатлантиришлар биз учун жуда қувончли ҳолат бўлди. Фармондаги биз учун фойдали ва муҳим яна бир жиҳатни айтиб ўтиш лозим. Бу — умумтаълим мактаблари директорлари ва ўринбосарларини менежерлик ўқув курсларида ўқитиш масаласи. Биз мазкур имкониятдан тўлақонли фойдаланиб, муваффақиятли ўтсак, ойлик иш ҳақимиз 50 фоиз оширилади.

2026 йил 1 январдан умумий ўрта таълим ташкилотларининг директор жамғармаси маблағи ҳисобидан директор ва ўринбосарларига фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари (KPI) натижасига кўра, базавий тариф ставкаларига нисбатан тегишлича 20 ва 10 фоиз миқдорида ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Ушбу фармон мактабгача ва мактаб таълими соҳаси ходимларини муносиб рағбатлантириш, вертикал бошқарув тизими самарадорлигини ошириш орқали юртимизда сифатли таълимга эришиш учун кенг имкониятлар яратади.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

# БЕШ ТАШАББУС ОЛИМПИАДАСИ

## ҳам АҚЛИЙ, ҳам ЖИСМОНИЙ ЧИНИҚИШ МАНБАИ



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Ислоҳотлар амалда

BESH TASHABBUS OLIMPIADASI

**Маҳалламиздаги болалар майдончаси атрофидаги ўриндиқларда ўтирсам, 5-6 бола копток кўтариб келиб қолди. Улар худди олдиндан ўргатилгандек, мустақил турли машқлар бажаришни бошлади. Болаларнинг машғулотларини кузатиб турдим. Ўзаро суҳбатларида "мусобақа" деган сўзни бир неча бор такрорлади. Уларнинг қандай мусобақага тайёрланаётгани билан қизиқдим. Кейин билсам, 2022 йилдан буён ўтказиб келинаётган, асосий мақсади ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва спорт салоҳиятини ривожлантириш, уларни ижтимоий фаолликка жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат бўлган "Беш ташаббус олимпиадаси"га тайёргарлик кўраётган экан. Айниқса, мазкур олимпиада доирасида ўтказиладиган спорт мусобақалари халқимиз орасида анча оммалашди.**

Илгари маҳалланинг айрим жойларида уй қуриш учун ажратилган, аммо бино тикланмаган майдончалар бўларди. Кўринишидан ўнқир-чўнқир бўлса-да, биз уларда беармон футбол ўйнардик. Эгалари келиб қувиб юборса, худди шундай бошқасига борардик. Шу зайлда кўчиб-кўчиб, кун кеч бўларди. Бироқ ҳеч ким маҳалла болалари учун футбол майдони қуриб беришга ҳаракат қилганини эслай олмайман.

Ўша футбол ўйинларининг қоидалари ҳам жуда оддий бўларди. Дарвозалар чўпдан, майдон чизиқларининг ўзи йўқ. Ўзимизга ўзимиз ҳакам. Бироқ шундай шароитга қарамай, айрим тенгдошларимиз копток билан шундай санъаткорона муомала қилардики, балки ўша болаларга кимдир ўз вақтида эътибор берганда, бугун машҳур спортчи бўларди. Эътибор йўқлиги, иқтидорларга бефарқлик туфайли ҳеч бири спорт соҳасидан кетмади.

Ҳозир қишлоғимизга боринг. Вазият, шароит бутунлай ўзгариб кетган. Охирги марта санаганимда футбол майдончалари сонининг ўзи 3 та эди. Буни нега таққосладик? Бугун болаларни спортга қизиқтириб, чиниқтиришга муносабат алоҳида тизимга айланяпти. Мактаблардаги жисмоний тарбия ўқитувчилари дам олиш кунлари маҳалла болаларини тўплаб, футбол ўйнатяпти, қўшни маҳалла болалари билан беллашувлар ташкил қиляпти. Юқорида айтганимиз — "Беш ташаббус олимпиадаси" мусобақаларига олиб чиқиб, иқтидорларни кашф этяпти. Шубҳасиз, буларнинг барчаси ортида аҳолининг жисмоний саломатлигига эътибор ва спортни ривожлантириш учун яратилаётган шароитлар турибди.

Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланиб улгурди. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши нафақат уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, балки шахсий интизоми, иродавий сифатлари ҳамда жамоавий ишлаш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шу боис, 2024 йилда ўтказилган "Беш ташаббус олимпиадаси" қамрови кутилганидан ҳам зиёдроқ бўлди.

"Беш ташаббус олимпиадаси" 26 та лойиҳани ўз ичига олади. Лойиҳаларнинг 13 таси танлов бўлса, 13 таси спорт мусобақаси ҳисобланади. Ўзбекистонда яшовчи 14-30 ёшдаги барча ёшлар бу мусобақаларда иштирок этиши мумкин. Ўтган йили олимпиада бешта асосий йўналиш бўйича ўтказилди.

Биринчиси, маҳаллалар даражасида. Бунда маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар учун спорт мусобақалари ташкил этилиб, уларнинг жисмоний фаоллигини ошириш асосий мақсад эди. Иккинчиси, олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказилиб, талабалар учун махсус спорт дастурлари ишлаб чиқилди. Учинчиси, профессионал таълим муассасалари ўқувчилари учун беллашувлар. Бунда ҳам касб-ҳунар мактаблари ва техникумлар ўқувчилари орасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тўртинчиси, мактаб ўқувчилари орасида ўтказилиб, бунда болаларни ёшлигидан спорт билан шуғулланишга рағбатлантириш, мактабларда спорт машғулотларини кенгайтириш асосий мақсад қилиб олинди. Кейингиси давлат идоралари ва ташкилотлар ходимлари ўртасида. Бундан иш жойларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ходимларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш мақсади кўзланди.

Шунингдек, қўшимча равишда касаба уюшмалари билан ҳамкорликда мактабларда фаолият юритаётган ўқитувчилар ўртасида ҳам мусобақалар бўлиб ўтди. Мусобақалар 5 босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич қатнашчиларга ўз маҳоратини намойиш этиш, жамоавий ирода шакллантириш ҳамда кейинги босқичга йўл олиш имконини берди. Маҳалла босқичида ғолиб бўлганлар туман босқичига, туман босқичидан вилоят босқичига, бунда ғолиб бўлганлар эса республика босқичида шаффофлик асосида беллашди. Финалда энг кучли спортчилар аниқланиб, уларнинг натижалари эътироф этилди.

Мусобақалар давомида мини-футбол, волейбол, шахмат, стол тенниси, енгил атлетика ҳамда гимнастика каби спорт турларига алоҳида эътибор қаратилди.

Барча спорт тадбирлари ёшлар орасида қизғин рақобат руҳида ўтиб, уларга нафақат спорт маҳоратини ошириш, балки иноқликда ҳаракат қилиш ва ўз мақсадига эришиш йўлларини ҳам ўргатди. Шунингдек, жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари ҳисобланган, бироқ ногиронлиги бўлган ёшларимиз орасида ҳам паралимпия спорт турларига кирадиган турлар бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга ундаш мақсадида республика бўйлаб қатор инфратузилма лойиҳалари амалга оширилди. Жумладан, маҳаллаларда юзлаб янги спорт майдончалари барпо этилди, ўқув муассасаларида спорт машғулотлари учун шароитлар яхшиланди. Шунингдек, айнан шу мусобақалар туртки бўлиб, давлат ташкилотлари ва идораларда спорт мусобақаларини ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

"Беш ташаббус олимпиадаси"да 2023 йилда 6,4 миллион ёш мусобақаларда иштирок этган бўлса, 2024 йилда уларнинг сони 10 миллиондан ошди. Ушбу натижалар ёшларнинг "Беш ташаббус олимпиадаси"га қизиқиши ортиб бораётганининг яққол исботи, десак адашмаймиз.

Хўш, бу 10 миллион иштирокчи кимлар эди? Рақамларни йўналишлар кесимида кўриб чиқсак. 2024 йилда "Беш ташаббус олимпиадаси" мусобақалари доирасида маҳаллалардан 5,5 миллион, мактаблардан 3,2 миллион, олий таълим муассасаларидан 430 мингдан ортиқ ҳамда профессионал таълим муассасаларидан 181 минг ёш иштирок этди. Шунингдек, ташкилот ва идоралар ходимлари орасидан иштирок этганлар сони 380 мингдан ошди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари билан ҳамкорликда мактаб ўқитувчилари ўртасида ўтказилган мусобақаларда ҳам 200 мингдан зиёд иштирокчи қатнашгани қувонарли бўлди.

Келгусида ёшларни янада спортга фаол жалб этиш, улар учун янги дастурларни ишлаб чиқиш, интеллектуал, ижодий салоҳиятини ошириш ҳамда жисмоний тарбия инфратузилмасини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, мусобақалар қамровини янада кенгайтириш, уларнинг турли йўналишларини ривожлантириш ва ёшларнинг спорт ва интеллектуал соҳаларда муваффақият қозониши учун кенг имкониятлар яратиш устида ишланмоқда. Буларнинг натижасида 2025 йилда иштирокчилар сонини 12,5 миллиондан ошириш мақсад қилинган.

Оммавий спорт нафақат жисмоний соғлиқни яхшилаш воситаси, балки ёшларни ёмон одатлардан сақлаш, мулоқот қобилиятини ривожлантириш ва жамиятга фойдали инсон сифатида шаклланишига кўмаклашувчи муҳим омилдир.

— Тўғриси, илгари одамлар орасида гапиришга, жамоавий ҳаракат қилишга жуда ийманар эдим, — дейди чирчиқлик Сарварбиби Рўзметова. — Айнан "Беш ташаббус олимпиадаси" ўйинлари туфайли менда шу нуқсонлар йўқолди, десам адашмайман. Бу мусобақалар шунчаки спорт машғулотлари эмас, ёшларни ягона мақсад йўлида бирлаштирадиган ташаббусдир. Шу мусобақалар туфайли бугун мен ҳамиша мулоқот қилиб турадиган дўстлар орттирдим, фикримни ифодалашни ўргандим. Мусобақалар мавсумининг якунланиши мен учун қанчалик тушкунлик бағишласа, янги мавсумнинг бошланиши шунчалик хурсанд қилади.

Жорий йил март ойидан бошлаб "Беш ташаббус олимпиадаси"нинг 2025 йилги мавсуми старт олди. Масъулларнинг айтишича, янги мавсумда янгиликлар кўп. Буларнинг барчаси йил давомида келиб тушган таклифлар натижасида амалиётга жорий этилади. Ёшлар ишлари агентлиги берган маълумотларга кўра, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир умумтаълим мактабида босқичма-босқич спорт клублари фаолияти йўлга қўйилади. Бу клублар ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароитларни яратади.

Шунингдек, мактабларда 5-11-синф жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун махсус ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқилади. Бу қўлланмалар ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилади.

"Беш ташаббус олимпиадаси"нинг 2025 йилги мавсумида ёшлар ўртасида жами 19 та танлов ва мусобақа ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда маданият ва санъат йўналишида 2 та, спорт йўналишида 14 та, ахборот технологиялари йўналишида 1 та, китобхонлик ва интеллектуал йўналишда 2 та, касб-ҳунар йўналишида 5 та танлов ва мусобақа ташкил этилади. Ёшлардан эса талаб этиладиган мусобақаларда фаол қатнашиш ҳамда жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини оширишдир.

**Жонибек ЭРКИНОВ,**
**журналист**

# МАЪНАВИЙ ҚАЛҚОН

## ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ, ЭРКИН ВА ОБОД ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

**Шу кунларда юртдошларимиз қалбига тетиклик, маънан уйғоқлик ва яшашга чексиз шижоат руҳини сингдирган Умид ва Ишонч кайфияти доимгидан кучли. Бу табиатнинг “меъмор” фасли — кўклам шукуҳи билан ҳам боғлиқ. Баҳорнинг, шубҳасиз, ташаббускорлик, яратувчанлик ва бунёдкорликка илҳомлантирувчи мўъжизавий қудрати бор. Далалар майсалар ифоридан, гуллар тароватидан шукуҳланиб, безавол қаддини қайта тиклайди. Дарахтлар куртак ёзиб, ҳар бир куннинг ғаниматлиги, уни беҳуда юмушларга эмас, эзгу, хайрли ишларга сарфлаш лозимлигини ёдга тушираверади.**



**Мақсуд АСАДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор**

### “ДЕҲҚОНКИ, ДОНА СОЧАР...”

Бободеҳқон замин кўксига уруғ қадайди — тириклик нақшини солади. Элни фаровонликка, дилни некбин орзу-ҳавасларга тўлдиради. Дастурхон тўкислиги, оила фароғати, халқ фаровонлиги унинг меҳнати самарасига, ҳосилининг баракасига боғлиқ. Шу боис, она халқимиз азалдан деҳқон пешонасидан томган ҳар қатра терни зарга тенглаштирган. Аслида, қадимда “деҳқон” сўзи анча кенг маънода ишлатилган: эл-юрт эгаси, катта ер соҳиби, оила бошлиғи ва ҳоказо. Унинг хатти-ҳаракати, заҳмату машаққатисиз тикандан гул, саҳродан чаман барпо қилиш имконсиз. Баҳор келиши билан деҳқонга қувват, ерга барака, халққа шижоат тилаб дуолар қилиниши ҳам бежиз эмас. Чунки баракаси борнинг даромади бўлади. Даромад бўлган жойда ўсиш ва ўзгаришлар бўй кўрсатади. Бугун она юртимиз ана шундай буюк юксалишлар бўсағасида виқор билан қад ростлаб турибди.

Уйғониш айёми — кўклам моҳиятида акс этган жўшқин ва ишчан руҳият, Президентимиз таъкидлаганидек, **“Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар ва жадал ўзгаришларнинг асл мазмуни ва эзгу ғояларига ҳамоҳангдир”**. Қалб тозалиги, кўнгил мусаффолиги, тинчлик, осудалик, оила хотиржамлиги — бебаҳо неъмат. Инсон борлиғини қувончга тўлдириб, дўстлару яқинлар даврасига хурсандчилик улашадиган гўзал ҳислар меҳнатнинг роҳатини туйиш билан бўлади. Бугун жонажон ватанимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйди. “Инсон — жамият — давлат” ва “Инсон қадри учун” деган эзгу тамойиллар жамият ҳаётининг ҳар бир жабҳасига чуқур кириб борди. Инсон манфаатлари, турмуш фаровонлиги, оиласи мустаҳкамлиги йўлида амалга оширилаётган қатор ислоҳотлар самара бермоқда. “Томорқа — қўшимча даромад манбаи” ғояси қишлоқ хўжалигида тафаккур тарзининг, иштиёқ ва ғайратнинг мутлақо ижобий ўзгаришларига олиб келаётгани рост. Халқимиз мамлакатимиздаги янгиланиш жараёнига жуда катта ишонч билан қараётгани ҳар қадамда яққол сезилиб турибди.

Айни пайтда янги Ўзбекистон том маънода бунёдкорлик тимсолига айланди. Шаҳарларимиз, қишлоқ ва овулларимиз янгича қиёфа касб этиб, замонавий кўринишини дунёга кўз-кўз этмоқда. Энг муҳими, ислоҳотларнинг натижасини ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз кундалик ҳаётида теран ҳис этмоқда. Бу, жумладан, “ҳар бир оила — тадбиркор”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва бағрикенглик” каби қатор тамойилларда ўз ифодасини топгани айни ҳақиқат. Камбағалликни қисқартириш, муҳтож оилаларни даромадлилар қаторига қўшишга қаратилган саъй-ҳаракатлар эса давлатимизнинг одилона сиёсати натижасидир. Президентимиз таъбири билан айтганда, **камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил — бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда аниқ мақсад сари ҳаракат қилишидир**. Мамлакатимизда бунинг учун ҳуқуқий асос яратилган. Аниқроғи, ҳар бир ҳududнинг иқтисодий имкониятидан келиб чиққан ҳолда муаммоларга ечим топилмоқда.

Ўзбекистон жаҳон цивилизацияси ва маданиятлари чорраҳасида жойлашган, турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган бағрикенг давлат. Юртимизда ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман каби тилларда фаолият юритадиган таълим масканлари, оммавий ахборот воситалари мавжуд. Улар орқали ҳар бир миллатнинг тили, маданий қадриятлари, урф-одатларини тарғиб қилишга, янада ривожлантиришга кенг имконият яратилган.

Бугун Ўзбекистон дунёга юз очди. Бир неча ўнлаб давлатлар билан визасиз тизим асосида яқин қўшничилик, ўзаро борди-келди алоқалари янада мустаҳкамланди. Натижада йил сайин юртимизга келаётган сайёҳлар оқими кўпаймоқда. Туризмнинг янги “зиёрат туризми”, “экотуризм”, “адабий туризм” сингари кўринишлари юзага келди. Дунё халқлари билан бир неча йўналиш: ижтимоий, маданий, илмий, маърифий соҳаларда алоқалар кенгайиб, жаҳон майдонида салоҳиятимизни юзага чиқариш учун қулай шароит яратилмоқда. Яқин қўшниларимиз билан ҳудудий муаммолар ечими топилди. Ўзаро қавм-қариндошлик, биродарлик ришталари янада мустаҳкамланди. **Қадимий Хўжанд шаҳрида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг уч томонлама учрашуви эса мана шу йўлдаги яна бир амалий қадам бўлади.** Ҳақиқатан, айни пайтда минтақамиз дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик маконига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон — инсон манфаатлари устуворлиги таъминланган беқиёс диёр. Ижтимоий давлат тамойили асосида қилинган ишлар ҳам кўнгилда сурур ва ифтихор уйғотади. Эҳтиёжманд аҳоли бандлигини таъминлаш, жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор, аниқ ва манзилли кўмак мамлакатимизни халқчил давлат сифатида дунёга танитмоқда.

Табиатнинг сахийлиги кўкламнинг қандай келишию бободеҳқоннинг сидқидилдан қилган меҳнатига боғлиқ. Нияти холис, қалби мусаффо, имони бутун эл ўз мақсадидан асло оғишмайди. Янги Ўзбекистон қудрати эса кўклам нафасидан тўйиниб, меҳнати самарасини кўришга муштоқ юртдошларимизнинг ғайрату шижоатига уйғундир. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Бизнинг кучимиз — бирлик ва аҳилликда, қудратимиз — Ватанга меҳр ва садоқатда, ютуғимиз — ўзимизга бўлган юксак ишончимизда!”.**

Бу сўзлар янги Ўзбекистонимизнинг қалбларни илҳомлантирувчи шиоридир.




**Давлатимиз раҳбари ёшларга қарата бундай деди: “Юртимиздаги беқиёс имкониятларни амалий натижаларга айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилинг! Қаерда бўлманг, қайси соҳада ишламанг, миллий қадриятларимизга, ўзлигимизга, Ватанимизга муносиб ва содиқ бўлинг!”**




### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛҒОР ВА ҚУДРАТЛИ КУЧИ

Ўз куч ва имкониятини тўғри йўналтирган, иродаси мустаҳкам, эътиқоди бутун давлат ва миллатгина тараққиётнинг залворли йўлидан дадил одимлай олади. Бу йўлда қудратли сафда турадиган ёшларга катта эҳтиёж борлиги аён. Шубҳасиз, ёшлик — умр фаслининг навбаҳори! Орзулар чаманида куртак ёзиб, қийғос очилган ҳаёт гулидир. Чиройи кишини мафтун қилади. Ифори кўнгилларга сурур ва фараҳ бахш этади. Шу сабабли сўз санъаткорлари — шоиру адибларимиз ижодида ҳам ёшликнинг улуғланиши ўзгача, тавсифу тараннуми буткул бошқача. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов:

*Ёшлигим достонига мен шуъладин*
*йўндим қалам,*
*Эй саҳар уфқи, унинг сен зарварақ*
*қоғози бўл,*

дея бежиз ёзмаган.

Дарҳақиқат, борлиғида шижоату ғайрат жўш урган, қалби юрт, миллат муҳаббати билан тўлиб-тошган ҳақиқий ватанпарвар ёшлар эртанги кунимизнинг чинакам эгалари. Жонажон ватанимизда ташаббусни қўлга олиб, янги зафар, муваффақиятлар сари шахдам қадам босаётган ёшларимиз янги Ўзбекистоннинг илғор ва қудратли кучидир. Президентимиз айтганидек, **“Бугун мамлакатимиздаги юқори технологик корхоналарни бошқараётганлар — асосан билимли ва малакали ёшларимиздир. Тадбиркорлик ривожига янги куч ва шиддат бераётган ҳам ақл-идрокли, серғайрат ва ишбилармон ўғил-қизларимиздир. Сарҳадларимизда доимо сергак турган аскар ва офицерлар ҳам мард ва жасур ўғлонларимиздир. Илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида Ватанимизни дунёга тараннум этаётганлар ҳам ёшлардир. Хусусан, юртимизни жаҳонга машҳур қилишда ёш спортчиларимизнинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор”**.

Китобхон ёшларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиши, ёш спортчиларимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши уларнинг тенгдошлари, қолаверса, етишиб келаётган келгуси авлодда ҳам қизиқишу интилишни тарбиялади. Юртимизнинг чекка ҳудудларида кутубхоналар қад ростлади. Тошкентда “Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби”, Диёра Келдиёрова асос солган дзюдо спорт клуби очилиши юзлаб ёш спортчиларнинг орзусини рўёбга чиқаришга замин ҳозирлади. Мамлакатимизда ёшларни тизимли равишда муайян соҳаларга йўналтириш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Мактабларда 10-11-синф ўқувчилари меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитилаётгани бунинг ёрқин мисолидир. Қишлоқларда яшаётган ишсиз ёшларга деҳқончилик билан шуғулланиши учун ҳар йили минглаб гектар ер ажратилмоқда. Ишини самарали йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар берилмоқда. Лизинг асосида зарур техника ва енгил конструкцияли замонавий автосервис, маиший хизмат, чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари қурилмоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида илм-маърифатли ёшларни янада рағбатлантиришга жуда катта эътибор қаратилган. Жумладан, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш, 40 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улушини кескин оширишга алоҳида аҳамият бериляпти. Мақсад — заковати баланд, юксак маърифатли авлодни тарбиялаш. Давлатимиз ёшларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун кенг шароит яратиб бераётган экан, йигит-қизлар ҳам она ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшиш йўлида ҳамиша “лаббай” дея жавоб қайтариши лозим.

Давлатимиз раҳбари айтганидек, **буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида, аввало, она ватанга, халққа хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам эди.** Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарвар адиб ва олимлар машҳур илмий кашфиётлари, ўлмас бадиий асарларини айнан камолот ёшида яратган.

Бобур Мирзога тарих ҳукми салтанат юкини топширганда у энди 12 ёшга қадам қўйгани ва кейинчалик ҳаётий тажрибаси асосида давлатчилик яратишда катта ютуқлари билан оламга донг таратгани барчага маълум. Дастлабки девонини мухлису муҳиблари зўр қизиқиш билан тайёрлаганида Ҳазрат Навоий 23-24 ёшли ўспирин эди. **Кузатишларимизга кўра, янгиланиш, энг аввало, тафаккурда, қалбда ва руҳиятда бўлади. Креатив фикрлайдиган, кўксида юртпарварлик туйғуси ёниб турган, маънан бой, жисмонан соғлом, бошқаларни эзгу мақсадлар атрофида ортидан эргаштира оладиган ёшлар янги Ўзбекистоннинг шон-шуҳратини оламга кўз-кўз қилишга қодир. Бугун улардан “Учинчи Ренессанс сари” шиори остида бирлашиб, ҳар қачонгидан-да қатъият ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ила олға интилишни кутишга ҳақлимиз.**

Саноат, технология, иқтисодиёт, ахборот технологиялари соҳасида ҳам жонбозлик кўрсатаётган, бир неча хорижий тилни мукаммал биладиган, дунё илм-фани ютуқларидан баҳраманд ёшлар яқин келажакда ўзига билдирилган ишончни тўла оқлашига умид қиламиз. Давлатимиз раҳбари ёшларга қарата бундай деди: **“Юртимиздаги беқиёс имкониятларни амалий натижаларга айлантириш учун тинимсиз ҳаракат қилинг!**

**Қаерда бўлманг, қайси соҳада ишламанг, миллий қадриятларимизга, ўзлигимизга, Ватанимизга муносиб ва содиқ бўлинг!”.**

Бунга эса ҳар бир дақиқани қадрлаш, умрни ғанимат билиб, илму ҳунар ўрганиш, янгиликларга интилиш ва энг муҳими, оилага, ватанга, халққа фидойилик билан хизмат қилиш орқали эришиш мумкин.

### РУҲ УЙҒОҚЛИГИ

**Ҳозир янги Ўзбекистон инсонлар эркин ва фаровон яшайдиган маънавий макон, маърифатли жамиятнинг нурли қиёфасини ўзида ёрқин акс эттириб турибди.** Илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт ва бадиий ижод соҳаларининг маънавий-маърифий тараққиётдаги таъсирчанлигини янада ошириш борасидаги дастурлар ҳам сўзимизнинг исботидир. Барча ҳудудларда ижодкорларни қўллаб-қувватлаб, моддий рағбатлантирилиб, уй-жой шароити яхшиланмоқда. Эркин ижод қилиши учун амалий кўмак берилмоқда. Пойтахтимизнинг энг сўлим, энг гўзал гўшасида Адиблар хиёбони қўр тўкиб турибди. Бу маскан унга ташриф буюрувчилар учун том маънода маънавий покланиш, руҳий қувват манбаига, ҳақиқий дўстлик боғига, ижодкорлар бирдамлигининг дилбар маконига айланиб улгурди. Президентимиз таъкидлаганидек, **“Жисмоний бақувват инсонни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа”.** Ҳозирги глобаллашув замонида турли ғоявий таҳдид ва хуружларга қарши мустаҳкам маънавий қалқонга эга бўлиш зарур. Бу борада юртимизда диққатга молик ишлар қилинмоқда.

Аҳолининг маънавий-маърифий саводхонлигини янги босқичга кўтаришда Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ислом цивилизацияси марказининг ўрни алоҳида. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Маърифат улашиб” лойиҳаси турли таълим муассасаларида катта қизиқишга сабаб бўлмоқда. Ҳар йили улуғ алломаларимиз, буюк аждодларимиз, илм-фан, санъат ва маданият соҳасида ўчмас из қолдирган юртдошларимизнинг таваллуд айёми нишонланяпти. Бу борада ҳукумат миқёсида қарорлар қабул қилинмоқда. Жумладан, баҳор фаслида таваллуд топган Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Зулфияхоним, Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов каби зотларнинг фаолияти ҳам ёшларимиз учун чинакам намунадир.

Аждодларимиз инсон эгаллаган соҳасида мукаммалликка эришиши, шахс сифатида ҳар жиҳатдан камол топиши кераклигини ўз қарашлари, хатти-ҳаракатларида ифода этган. Жумладан, буюк мутафаккир Алишер Навоий қитъаларидан бирида бундай ёзади:

*Камол эт касбким, олам уйидин,*
*Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.*
*Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,*
*Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.*

Инсон ўзини турмуш қийинчиликлари, машаққатларида тоблаши керак, дейди шоир. Бу дунёга келиб, эринчоқлигу ялқовлик билан кун кечириш, боқимандаликка кўникиб қолиш асло тўғри эмас. Аксинча, ҳам инсон ўлароқ мукаммалликка юз буриш, ҳам бирор касб ёки ҳунарда моҳир бўлиш ва меҳнату шуҳрати билан атрофдагиларда ўзига нисбатан ҳавас уйғотиш камолотнинг юксак чўққисидир. Бирор ишни чала-чулпа қолдириш, танбаллик билан эрта-индинга суравериш, илм-маърифат ўрганишдан қочиш ҳеч қачон ўзини оқламайди. Бундай дангаса одамлар ҳаммомга кириб, тўла покланмай чиққан нопоклардир деб уларни қаттиқ танқид қилади Ҳазрат Навоий. Аслида, маънавият дастлаб оила муҳити, маҳалла, таълим даргоҳларидаги сабоқлар билан қалбга жо бўлади. Ота-она тарбияси, кексаларимизнинг ўгити, устозларнинг маърифати маънавий тарбияни янада сайқаллайди. Руҳи ҳамиша уйғоқ, бу ҳаётнинг ўткинчи қийинчиликлари олдида эсанкираб қолмайдиган, беҳуда ҳою ҳавасга сира алданмайдиган инсонларгина комиллик саодатига эриша олади. Уларда ватанга муҳаббат, халққа садоқат туйғуси устуворлик қилади. Маънавий қалқон бутун бошли жамиятнинг барча жабҳаларида бир-бирини қўллаб, ўзаро бирлик, якдиллик билан ягона мақсад йўлида қўлни қўлга бериб ҳаракат қилганда янада мустаҳкамланади. Мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги маънавий ислоҳотларнинг амалий натижасига боғлиқ.

Юртимизда фаолият юритаётган қатор музейлар, кутубхоналар, маданият ва спорт муассасалари, театр ва кино саройлари, оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётган маънавий-маърифий мавзулардаги кўрсатувлар ҳам комил шахс тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. 200 жилдли “Ўзбек адабиёти дурдоналари”, 100 жилддан иборат “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари”, кўп жилдли “Қорақалпоқ адабиёти дурдоналари” китоблари нашр этилаётгани, улуғ аждодимиз ҳаёти, фаолияти ва адабий меросига бағишланган 4 жилдли “Алишер Навоий энциклопедияси” чоп қилингани ҳам буюк ўтмишимиздан илҳом олиб, келажакка ўткир нигоҳ билан боқишимизга ёрдам беради. Айниқса, жадид боболаримиз номини абадийлаштириш, улар қолдирган бой адабий, маънавий меросни атрофлича ўрганиш янги Ўзбекистон илм-фанининг ўзига хос йўналишига айланди. Президентимизнинг “Жадидлар мероси давлат музейини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарори бу йўналишда ғоят муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табригидаги **“Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислоҳотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир”**, деган сўзлари жадидлар фаолияти ва меросига иштиёқ ҳамда қизиқишни бир неча карра орттирди. Ҳозир ўзбек илм-фанининг жадидшунослик тармоғи жадал ривожланаётгани ана шу фикримизни тасдиқлайди.

Умуман, маънавият жамиятнинг барча соҳаларига алоқадор бош маслак сифатида ҳар томонлама етук авлодни камол топтириш, юрт тараққиёти, халқ ва миллат юксалиши учун имкониятларни ишга соладиган ҳақиқий фидойи инсонларни тарбиялашда энг муҳим омилдир. Жадал тараққий этиб, жаҳон майдонида ўз ўрни ва овозига эга бўлаётган янги Ўзбекистоннинг бугунги некбин ҳаётига холис ва теран назар солинса, маънавият соҳасида эришилаётган муваффақиятларнинг мислсиз натижалари яққол намоён бўлади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
36811 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 02:15 Топширилди — 03:25